

**ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ АТРОФ-МУҲИТ, ЕР ВА ДЕНГИЗНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ  
ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ**

**ЎРТАСИДА**

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ЗАИФЛИГИ, ХАВФНИ БАҲОЛАШ, ИҚЛИМ  
ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ ВА ЮМШАТИШ БЎЙИЧА**

**ЎЗARO АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Италия Республикаси Атроф-муҳит, ер ва денгизни муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеяси «Дунёмизни ўзгартириш: 2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби» резолюцияси (п. А/RES/70/1) қабул қилганлигини эътиборга олган ҳолда;

Италия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси (кейинги ўринларда Конвенция) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси Киото протоколи иштирокчиси эканлигини ҳисобга олган ҳолда;

Конвенция иштирокчилари 21-йиғилиши Иқлим ўзгариши билан курашиш бўйича Париж битимини қабул қилганлиги ва Италия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматлари ушбу битимни 2016 йилнинг 22-апрелида имзолаганлигини ҳисобга олган ҳолда;

Конвенцияни, шу жумладан, унинг мақсадини амалга оширишни жонлантириш мақсадида қабул қилинган Париж битими барқарор ривожланиш доирасида иқлим ўзгаришига нисбатан глобал жавоб чораларини мустаҳкамлаш ва қашшоқликни бартараф этиш чора-тадбирларини кучайтиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда;

2017 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Конвенцияга миллий даражада ўз ҳиссасини қўшганлигини ҳисобга олган ҳолда;

Эмиссия ва заифликни пасайтириш, ҳамда иқлим ўзгаришига чидамликни оширишга йўналтирилган, чора-тадбирларни амалга оширилишини қўллаш ва таъминлаш мақсадида оқибатларни юмшатиш ва адаптация соҳасидаги ҳаракатлар ва халқаро ҳамкорликни жонлантиришни таъкидлаган ҳолда;

Қайта тикланадиган энергетика соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар Конвенция механизмлари доирасида ҳам, Париж битими ҳамкорлик механизмлари доирасида ҳам, барқарор ривожланиш ва иссиқхона газларини камайишига ҳисса қўшишини ҳисобга олган ҳолда;

«Яшил иқтисодиёт» Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа учун Иқтисодий Комиссияси томонидан минтақавий устувор вазифа деб тан олингани ва барқарорлик, хавфсизлик ва фаровонликни ошириш экологик хабардорликни ва инсон сифати ва фаровонлигини оширишга кўмаклашишини ҳисобга олган ҳолда;

Қуйидагилар тўғрисида англашиб олдилар:

### **1-модда**

#### **Мақсад**

Мазкур Англашув меморандумининг мақсади Томонларнинг тегишли ваколатлари доирасида глобал иқлим ўзгариши билан курашиш ва унинг салбий оқибатларини йўқотиш, иқлим ўзгариши хавфлари ва минтақавий заифликни баҳолаш механизмларини қўллаб-қувватлаш, тоза ва самарали энергияни илгари суришга кўмаклашиш, кам углеродли ва “яшил” иқтисодга ўтиш мақсадида иқтисодий ва технологик ўзгаришларни рағбатлантириш ва тарқатиш, Ўзбекистон Республикаси табиий ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофазаси ҳаракатлари ва имкониятларини амалга оширишга қаратилган чораларни мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлашдир.

### **2-модда**

#### **Ҳамкорлик соҳалари**

Томонлар умумий манфаатларнинг қуйидаги соҳаларида ҳамкорлик қиладилар, хусусан:

а) иқлим ўзгариши жараёнларининг атроф-муҳит ҳолатига ва иқтисодиётнинг потенциал заиф секторларига таъсири таҳлили;

б) миллий даражада белгиланган ҳиссани амалга ошириш чоратадбирларини қўллаб қувватлаш;

в) биохилмахиллик йўқотишларини камайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш, биоэнергия ишлаб чиқариш мақсадида биологик чиқиндиларни қайта ишлаш;

г) Конвенция ва унга тегишли 2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш ҳужжатларида кўрсатилган механизмларни амалга ошириш учун имкониятларни кенгайтириш;

Б.Т.У

- д) табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш;
- е) кам углеродли ва «яшил» иқтисодиётга ўтиш мақсадида иқтисодий ва технологик ўзгаришларни рағбатлантириш ва тарқатиш;
- ж) энергия самарадорлигини оширишга кўмаклашиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш;
- з) иқлим ўзгаришига мослашиш салоҳиятини миллий ва маҳаллий даражада ошириш;
- и) атроф-муҳит муҳофазаси, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича оммавий маърифий ва таълим компанияларини ишлаб чиқиш;
- к) ҳаво, сув ва ер ресурслари сифати мониторинги;
- л) сув ҳавзалари ва қирғоқ бўйи ҳудудлари экотизимларини комплекс бошқариш;
- м) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларини барқарор бошқариш;
- н) чиқиндиларни комплекс бошқариш;
- о) 2015-2030 йиллар учун табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендаи дастури доирасида табиий офатлар хавфини камайтиришга қарши чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлаш
- п) ер ресурсларини барқарор бошқариш;
- р) экологик туризм ривожланишига кўмаклашиш.

Томонлар ўзаро келишган ҳолда мазкур Меморандум доирасида бошқа йўналишлар бўйича ҳамкорлик қиладилар

### 3-модда

#### Йўналишлар

Томонлар ўртасида ҳамкорлик қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- а) қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;
- б) салоҳиятни ошириш, технологиялар бериш ва техник ёрдам кўрсатиш;
- в) атроф-муҳит мавзусига доир маълумотлар ва ҳужжатлар, шу

Br Tj

жумладан, дастурлар, нашрлар, экспертлар хулосалари ва таҳлиллар натижалари билан алмашиш;

г) экспертлар ва стажерлар алмашинуви, делегациялар ташрифини ташкил этиш;

д) амалий машғулотлар, семинарлар ва бошқа учрашувларни биргаликда ташкил этиш;

е) давлат-хусусий тармоқ ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида хусусий тармоқни қўллаб қувватлаш;

ж) атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш соҳасидаги дастур ва ташаббуслар бўйича нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

з) глобал иқлим ва барқарор ривожланиш учун маблағ жалб қилиш салоҳиятини ривожлантириш.

Томонлар ўзаро келишган ҳолда мазкур Меморандум доирасида бошқа фаолиятлар бўйича ҳамкорлик қиладилар.

#### 4-модда

##### Мувофиқлаштириш

4.1 Мазкур Меморандум самарали ишлаши мақсадида Томонлар Қўшма қўмита ташкил этадилар.

4.2 Қўшма Қўмита иккита Италия Республикаси Атроф-муҳит, ер ва денгизни муҳофаза қилиш вазирлиги ва иккита Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакилидан ташкил топади.

4.3 Италия Республикаси Атроф-муҳит, ер ва денгизни муҳофаза қилиш вазирлиги Барқарор ривожланиш, экологик зарар, Европа Иттифоқи ва халқаро масалалар директорати генерал директори ва битта экспертни масъул вакил этиб тайинлайди.

4.4 Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими бошлиғи ва битта экспертни масъул вакил этиб тайинлайди.

4.5 Қўшма қўмита ҳамкорлик бўйича умумий раҳбарликни таъминлайди, иш режасини тасдиқлайди, ҳамкорлик бўйича фаолиятни

мувофиқлаштиради  
ва қўллаб-қувватлайди, ҳамда молиявий қарорлар бўйича таклифлар ишлаб  
чиқади;

4.6 Ўзининг биринчи йиғилишида Қўшма қўмита ўз тартиб  
қоидалари, иш режаси ва кенгашлари даврийлигини тасдиқлайди.

4.7 Кейинги йиғилишларида Қўшма қўмита:

а) ушбу Меморандумнинг 2-моддасида қайд этилган йўналишлар  
бўйича фаолият юритилишини мувофиқлаштиради;

б) мазкур Меморандум доирасида амалга ошириладиган  
ва молиялаштириладиган тадбир ва лойиҳаларнинг, шу жумладан, бюджет  
ва лойиҳаларнинг батафсил режаларини қабул қилади;

в) ҳамкорлик ҳолати, тараққиёти, эришилган натижалар ва  
фаолиятдан олинган сабоқларни мунтазам равишда таҳлил қилади ва  
баҳолаб боради.

4.8 Қўшма қўмита мазкур Меморандум имзоланган муддатдан  
бошлаб олти ой ичида йиғилади.

## 5-модда

### Иш режаси, лойиҳалар ва тадбирлар

5.1 Мазкур ўзаро англашув меморандуми имзолангандан  
сўнг, Томонлар Меморандумнинг 4.5 бандида кўрсатилганидек, Қўшма  
қўмитага тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ўрта муддатли режани ишлаб  
чиқиш учун масъул мутахассисни тайинлайдилар.

5.2 Дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш жараёнида  
жамоатчилик, хусусий ва ноижорат тармоқлар, шу жумладан, эҳтиёж  
туғилганда, университетлар, илмий-тадқиқот ва техник институтлар,  
ҳамда бошқа муассасалари иштироки ўзаро келишиб олинади.

5.3 Италия ва Ўзбекистон томонларининг ҳуқуқий доираларида  
ҳисобга олган ҳолда, дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларнинг амалга  
оширилиши холислик, тенглик, ўзаро ва умумий манфаат тамойилларига  
асосланган бўлади.

**6-модда****Амалга ошириш усуллари**

6.1 Мазкур Меморандумни амалга оширилиши билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар Қўшма қўмита томонидан тавсия этилган ва миллий қонунчиликка мувофиқ Томонлар томонидан қопланади.

6.2 Харажатлар Томонларнинг мавжуд ресурслари билан қопланади ва Италия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети учун қўшимча харажатларга олиб келмайди.

6.3 Томонлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига Конвенция ва унинг ҳужжатларининг атроф-муҳит муҳофазаси, иқлим ўзгариши ва унга мослашиш бўйича чора-тадбирларини бажаришига кўмаклашиш мақсадида халқаро ташкилотлар ва ЕИ институтларига (хусусан, Европа Комиссияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкилотлари, халқаро молиявий институтлар, Жаҳон Банки ва б.) лойиҳавий таклифларни биргаликда тақдим этадилар.

**7-модда****Ҳисса**

7.1 Томонлар харажатлар, ҳисоб ва аудитнинг шаффофлигини таъминлаш учун Томонларнинг тегишли қонунчилигига биноан фаолиятни молиялаштириш ва унинг механизмларини тузишни келишиб оладилар.

7.2 Томонлар мазкур Англашув Меморандуми асосида ишлаб чиқилган дастур, лойиҳа ва тадбирлар учун Италия Республикаси Атроф-муҳит, ер ва денгизни муҳофаза қилиш вазирлиги ажратадиган молиявий ресурсларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади.

**8-модда****Кучга кириш**

8.1 Мазкур ўзаро англашув меморандуми Томонларнинг учинчи томонлар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди;

8.2 Мазкур Ўзаро англашув меморандуми Томонларнинг миллий қонунчилиги ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари, Италиянинг Европа

Иттифоқи аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ амалга оширилади.

## 9-модда

### Яқуний низом

9.1 Мазкур Меморандум 5 йил муддатга тузилади ва Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради. Ушбу Меморандумнинг амал қилиш муддати, агар Томонлардан бири Меморандум амал қилиш муддати яқунланишидан

6 ой аввал муддатда Меморандумни амал қилишини тўхтатиш истагини ёзма равишда жўнатмагунча автоматик равишда кейинги 5 йил муддатга чўзилади.

Томонларнинг ҳар бири 6 ой аввал дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабар бериш йўли билан Меморандумнинг амал қилишини муддатидан аввал тўхтатиши мумкин.

9.2 Мазкур Ўзаро англашув Меморандумига ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро келишувига билан киритилади. Ўзаро ангашинув меморандумига ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

9.3 Мазкур Меморандумни қўллаш ёки талқин қилишда юзага келган ҳар қандай келишмовчиликлар Томонлар ўртасида бевосита келишув ва/ёки музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

9.4 Мазкур Ўзаро англашув меморандумининг амал қилишининг тугатилиши Меморандум тўхтатилгунга қадар Томонлар келишишган лойиҳалар ва/ёки ташаббусларнинг ижросига даҳл қилмайди.


Мазкур Ўзаро англашув меморандуми Тошкент шаҳрида 2019 йил 24 январ санасида икки асл нусхада, ҳар бири итальян, ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар инглиз тилидаги матндан фойдаланадилар.



**Италия Республикаси**  
**Атроф-муҳит, ер ва денгизни**  
**муҳофаза қилиш вазирлиги**  
**номидан**

Барқарор ривожланиш, атроф-муҳитга  
зарар етказиш, Европа Иттифоқи  
ва халқаро муносабатлар бўйича  
Бош директори

Франческо Ла Камера




---

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Экология ва атроф-муҳитни**  
**муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**  
**номидан**

Ўзбекистон Республикаси  
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза  
қилиш давлат қўмитаси раиси

Баҳром Кункаров Тулкинович



---